
ОЛТИАРИҚДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Бугун Олтиариқ тумани марказий ўйингоҳи ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 31 йиллиги байрамига бағишланган умумхалқ сайли ва концерт дастури намойиш этилди.

Байрамона безатилган марказий ўйингоҳга туман ҳокимлиги, Адлия, Прокуратура, ДХХ, ИИБ, Солиқ ва Суд, Тиббиёт, Таълим, қишлоқ хўжалиги, корхона ва ташкилотлар вакиллари, нуронийлар ҳамда туман аҳолиси таклиф этилдилар.

Тантанали маросимни туман ҳокими Ш.Турдалиев очиб, туман аҳолисини Истиқлол байрами билан қутлаб, барчага табрик йўллади. “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида ўтказилаётган бу йилги байрам шодиёналари, Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилаётган ижтимоий объектлар, ҳудудлардаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, аҳолининг турли қатламига кўрсатилаётган ижтимоий ғамхўрликлар ҳамда туман меҳнатқашаларининг эришаётган ютуқлари ҳақида гапирди. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари дадил одимлаётган юртимиз ёшларига юксак марралар ва бой ҳаётий тажрибага эга бўлган нуронийларга мустаҳкам соғлиқ тилади.

Туман Маданият бўлими қошидаги “Зилола” ашула ва рақс ансамбли ҳамда эстрада хонандаларининг байрам дастури барчага кўтаринки кайфият ҳамда завқу-шавқ улашди. Инсонийлик, Она Ватанга садоқат, меҳр ва жасоратни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, чемпион спортчилар, зукко болажонлар чиқишлари ва театрлаштирилган сахна кўринишлари олқишлар билан қарши олинди.

Истироҳат боғи ва белгиланган ҳудудларда маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари кўрғазмаси ҳамда озиқ овқат ва истеъмол моллари савдо ярмаркалари ташкил этилди. Болалар ва ёшлар учун кўнгилочар ўйинлар, аттракционлар намунали хизмат кўрсатди.

Байрам тадбирларини аҳоли учун қулай ва хавфсиз ўтиши, тиббий ва техникавий эҳтиёт чораларини кўриш, транспорт хизмати ва хавфсизлигини тартибга солиш бўйича тааллуқли идоралар томонидан кучайтирилган тартибда иш ташкил этилди.

Олтиариқда Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида давом этади.

2022-08-29 17:58:03